ПОЙТАХТНИНГ ФРУНЗЕ РАЙОНИ

ЮБИЛЕЙ ЭСТАФЕТАМИЗ

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ ШОНЛИ 50 ЙИЛЛИГИГА 19 КУН ҚОЛДИ. БЕПОЁН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҲАММА ЕРИДА СОВЕТ КИШИЛАРИ БУ ЮБИЛЕЙНИ СОВЕТ ҲАҚЛАРИ ЎРТАСИДА ТИНЧЛИК, МЕҲНАТ БАХТ-САОДАТ, ТЕНГЛИК ВА БИРОДАРЛИК РУҲИДА НИШОНЛАМОҚДАЛАР.

БОСИБ ЎТИЛГАН 50 ЙИЛ—МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚЛАРИНИНГ БЕҚИЁС ҚАҲРАМОНЛИК ВА МЕҲНАТ ЖАСОРАТИ ЙИЛИДИР, МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ БУЮК ТАНТАНАСИ ЙИЛИДИР.

БУГУН БИЗ ЮБИЛЕЙ МАШЪАЛИНИ ШАҲРИМИЗНИНГ КЕКСА РАЙОНЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН ЛЕНИН РАЙОНИДАН ОЛИБ БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАШКИЛ ТОПГАН ФРУНЗЕ РАЙОНИГА БЕРАМИЗ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши.
16 ОКТЯБРЬ 1967 й.
ДУШАНБА
№ 243 (398).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Суратдаги нўкка бўй чўзган бу улуғвор ҳайкал Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш асосчиларидан бири улуғ саркарда М. В. Фрунзе хотираси шарафига ўрнатилган обидадир. Бу улуғвор ёдгорлик шаҳаримизнинг Фрунзе майдонини безаб турибди.

Беш йилликлар меваси

Т. АКИМОВА,
ФРУНЗЕ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Фрунзе, райони тарихида Совет ҳокимияти йилларида қоронғиликдан ёруғликка чиққан, иқтисодий қолоқликдан техника тараққиётига эришган ўзбек халқининг бутун тарихи ўз аксини топган.

Бизнинг районимиз биринчи беш йиллик мевасидир. Унинг вужудга келиши Тошкент тўқимачилик комбинатининг қурилиши билан боғлиқдир. Маълумки, бу комбинат 1932 йилда қурила бошлаган. Район 1936 йил сентябрда тўқимачилик комбинати, 1-пойафзал фабрикаси, пахтачилик саноати марказий илмий-текшириш институти базасида вужудга келди. У пайтда район аҳолиси ҳаммаси бўлиб 38 минг кишидан, унинг майдони эса 2 минг квадрат километрдан кўпроқни ташкил қилар эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида район территориясида «Таштекстильмаш», асбобсозлик буюмлари комбинати, ип йигириш фабрикаси вужудга келди.

У даврда ҳамма нарса ҳарбий ишга мослаштирилган, фронтга қаратилган эди.

Фрунзеликларнинг меҳнат соҳасидаги жасоратлари ҳукумат томонидан юксак баҳоланди. 9 минга яқин киши 1941-1945 йилларда «Улуғ Ватан урушида шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланди. Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи эса Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Ҳозир Фрунзе райони пойтахтимизнинг йирик индустриал районларидан биридир. Аҳолиси 168 мингдан ортиқ, унинг территориясида энг йирик машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат, қурилиш материаллари ҳамда бошқа саноат корхоналари жойлашган.

Фрунзе районининг қиёфаси ҳам ўзгариб кетди. Қингир-қийшиқ ва тор кўчалар ўрнига тўғри, кенг асфальтланган магистраллар — Шота Руставели, Стаханов, Педагогика, Завод, Богдан Хмельницкий кўчалари пайдо бўлди. Уларнинг умумий майдони 1.673.348 квадрат метрни ташкил этади.

1936 йилда район ташкил бўлаётганда унинг территориясида ҳаммаси бўлиб 9 та мактаб бор эди. Уларнинг ҳам учтаси 7 йиллик ва тўрттаси бошланғич мактаблар эди. Уч юз ўринли иккита болалар яслиси ва олти юз ўринли тўртта болалар боғчаси ишлар эди.

Мактаб болалари икки, ҳатто уч сменада ўқишарди. Ўқитувчилар етишмасди. Ўқитувчилардан фақат қирқ киши олий маълумотли эди. Аҳолининг ярмидан кўпи чала савод ёки саводсиз эди. Районда бор-йўғи 185 киши тўлиқсиз олий маълумотга эга эди.

Районда ҳаммаси бўлиб 1 та медицина санитария пункти (тўқимачилик комбинатида) бор эди. Ўша ерда болалар касалхонаси ва каттаклар учун стационар жойлашган эди. Районда туғруқхона бўлмаганлиги учун аёлларнинг 75 процента уй шароитида, ҳеч қандай медицина ёрдами олмаган ҳолда туғар эдилар.

Водопровод йўқ эди. Аҳолининг 90 проценти ариқдан сув ичар эди. Канализация ҳам бўлмаган. Районда фақат тўқимачилик комбинати ҳузуридаги ҳаммом ишлаган. Районда бирорта ҳам кинотеатр бўлмаган.

1936 йилда район саноати ялпи маҳсулоти 12.700 минг сўмни ташкил қилган. Саноат корхоналарида 11,5 минг киши ишлаган.

Ҳозир эса районда 24 та саноат корхонаси, 12 қурилиш ташкилоти, 3 та автотранспорт хўжалиги, тўқимачилик, театр-рассомчилик ва педагогика институтлари, совет савдоси ва ҳисобчи-бухгалтерлик техникумлари бор. Бу ўқув юртларида 20 минг студент ўқимоқда. Бундан ташқари районда тўртта ҳунар-техника билим юрти, тўқимачилик комбинатининг ФЗОси, полиграфия билим юрти очилди. 5 та лойиҳа институти, 3 та илмий-текшириш институти ишлаб турипти. Министрликлар ва идоралар жойлашган.

16 кундузги ва 10 та кечки умумий таълим мактабларида 18 минг бола ўқийди. Бу мактабларда 1200 ўқитувчи ишлаяпти. Районда медицина муассасалари кенг тармоқ ёйган.

Районда иккита маданият саройи, кинотеатр, ғишт заводи клуби ва бошқа томоша жойлари, жуда кўп қизил бурчаклар ва кутубхоналар мавжуд.

Ободонлаштириш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Йўлкалар, мактабларга, болалар боғчалари ва даволаш муассасаларига келувчи йўллар асфальтланган. Деярлик ҳамма кўчалар ва тор кўчаларга асфальт ётқизилган. Район тўла электрлаштирилган ва водопровод суви билан таъминланган. Шу йиллар ичида район аҳолиси тўрт марта кўпайди.

Райондаги кўпгина корхоналар ўз маҳсулотларини чет мамлакатларга чиқаради. Тўқимачилик комбинати ва «Таштекстильмаш» заводининг маҳсулотлари жаҳондаги 70 мамлакатга экспорт қилинади.

Саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари барча совет кишилари сингари Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

Шу йилнинг ўтган ойлари ичида район саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 103,2 процент бажарди, пландан ташқари 330 минг метрдан ортиқ тайёр газлама, 32 минг жуфт пойафзал, 6 минг дона тайёр кийимлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан 8,5 процент ортди. Таннархнинг пландан ортиқча камайтирилишидан 532 минг сўм иқтисод қилинди. Ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг турлари кўпайди ва сифати анча яхшиланди.

Шу йил иккинчи квартал якуни бўйича шаҳар Ҳурмат тахтасига еттита корхона: Тўқимачилик комбинати, 1-пойафзал фабрикаси, 2-тикувчилик фабрикаси, Таш-ТЭЦ, Эксперименталь-механика, металл-фурнитур ва ойна заводлари ёзилди.

Район меҳнаткашлари Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иқтисод ва тежамкорлик учун юриш бошлаш тўғрисидаги чақириғига кенг равишда қўшилдилар. Фақат биринчи ярим йилда 1610 та қабул қилинган таклифдан 740 таси амалга оширилди ва бир миллион сўмга яқин иқтисод қилинди.

6.236 киши коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга эга бўлди. 136 та бригада Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номини олиш учун мусобақалашмоқда.

Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига райондаги 7 та корхона муваффақиятли равишда ўтиб ишламоқда.

Мамлакатимиз Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллик байрами арафасида. Фрунзе райони ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари бепоён мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари сингари шонли юбилейни янги муваффақиятлар билан кутиб олар экан, коммунизмнинг ғолиб юриши учун янги марраларни белгилаб чиқмоқда.

ФАН РАЙОНИ

Районда бешта лойиҳалаш ва учта илмий-текшириш институтлари, учта махсус конструкторлик бюроси иш олиб бормоқда. «Средазтеплопроектнинг лойиҳалаш институтининг мутахассислари Ўрта Осиёдаги йирик энергетика иншоотлари — Норак, Тўхтагул, Чирчиқ, Чорвоқ ГЭСлари, Тошкент ГРЭСини лойиҳалаштирганлар.

«Таштекстильмаш» заводи қошидаги махсус конструкторлик бюросида яратилган тўқимачилик машиналари жаҳон бозоридан муносиб ўрин олди. «ПК-100» маркали машина 1965 йилда Брно шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазмада олтин медалга сазовор бўлди. Республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг юбилей стендларида «РЛ-260», «ПЛ-76-6», «ПКЛ-100» маркали тўқимачилик машиналари намойиш қилинмоқда.

Пахтачилик саноати Марказий илмий-текшириш институтининг коллективи пахтачилик саноатида техника тараққиётини тезлаштириш, саноатни янада мураккаб машиналар билан таъминлаш мақсадида, кейинги йилларда машинада терилган пахтадан аъло навли тола олишни таъминлайдиган пахтани дастлабки ишлов берувчи технология процессини ишлаб чиқдилар.

Қўшимча мажбурият

Шаҳардаги илғор тикувчилик корхоналардан бири бўлган 2-фабриканинг коллективи тежаб қолинган газламадан ўн минг дона болалар кўйлаклари тайёрладилар.

Тикувчилар Улуғ Октябрнинг 50 йиллик шарафига янги оширилган мажбуриятлар олдилар. Йиллик планни 23 декабргача бажариш ва пландан ташқари савдо шохобчаларга 15 моделда 25 мингта кўйлак етказиб бериш уларнинг аҳдидир.

Корхонада юбилей йилида ранг-баранг миллий кўйлаклар ҳам ишлаб чиқарилади.

Дўстлик паради

Совет ҳокимиятининг 50 йиллик шонли юбилейига, серқуёш Ўзбекистон пойтахтининг ўз қиёфасини ўзгартириб юборган В. И. Ленин номли майдонидан байрам колонналари намойишчилари ўтадиган завқли дамларга саноқли кунлар қолмоқда.

Фрунзе районининг байрам колоннаси қандай бўлади?

Колонна «Халқлар дўстлиги» шиори остида юради.

Колоннанинг бошланишида йўл кўрсатувчи қизил белгили автомашина етакчилик қилади. Унга катта ҳарфлар ва рақамлар билан район эришган ютуқлар ёзилади.

Машинадан сўнг район байроғи, ундан кейинроқда барча корхоналар ва муассасаларнинг байроқлари кўтариб борилади. Байроқни орденлилар олиб юришади.

Бошловчи колоннада учта кенг ҳажмли етакчи белги бўлади. Унда жаҳон пролетариатининг доҳийлари Карл Маркс, Фридрих Энгельс ва Владимир Ильич Ленининг портретлари акс этдирилган.

Ундан кейин «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» сўзлари, жаҳонинг кўпгина халқлари тилларида ёзилган шиорли олиб колонналар ўта бошлайди.

Сал орқароқда бортига барча қардош республикаларнинг герби ва байроқлари ўрнатилган 16 машина келабошлайди. Олдинги машинага СССРнинг герби ва байроғи ўрнатилган. Унинг кетидан бизнинг республикамиз герби ва байроғи ўрнатилган машина келади.

Бош колоннанинг охирида «50 йиллик йўл» сўзлари ёзилган панноли кўтариб олган 100 киши ўтади.

Район меҳнаткашларининг намойишини Меҳнат Қизил Байроқ орденли тўқимачилик комбинатининг кўп минг кишилик колоннаси бошлаб беради.

Улардан кейин жаҳонга довруг таратган тўқимачилик машиналарининг ижодкорлари — Ленин орденли «Таштекстильмаш» заводи меҳнаткашлари келадилар.

Тўқимачилик машинасозлари изидан 1-пойафзал фабрикаси, намунали буюмлар комбинати, темир-бетон буюмлари заводи, резина-техника буюмлари заводи, 2-тикув фабрикаси, «Ватан» мебель фирмаси, парфюмерия фабрикаси ва райондаги бошқа кўпгина саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ва хизматчилари борадилар.

Техника тараққиёти йўлида

Бу йил «Ватан» мебель фирмасида қувончли ўзгаришлар юз берди. Ишлаб чиқаришга прогрессив ускуналар— кўп тишли ва пардозлаш дастгоҳлари, гидравлик усулда пресслаш ускуналари жорий этилди.

Тайёр маҳсулотлар сақланадиган янги омбор фойдаланишга топширилди.

Йил бошидан буён корхонада топшириққа қўшимча равишда 100 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Фирма меҳнаткашлари йил охиригача планга қўшимча яна 50 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

ЯШАСИН МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚЛАРИНИ КАПИТАЛИСТИК АСОРАТ ВА МИЛЛИЙ ЗУЛМДАН АБАДИЙ ОЗОД ҚИЛГАН УЛУҒ ОКТЯБРЬ!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).



Сапёрлар майдони шаҳримизнинг энг гўзал ва кўркам жойларидан бирига айланаётир. Бу ерда қисқа муддат давомида кўплаб замонавий биноолар, хиёбонлар барпо этилди. Бу майдон ўз ига хос революцион тарихга ҳам эгадир. Чор истибдодига қарши энг биринчи қуролли қўзғолон ҳам мана шу майдондаги собиқ чоризм казармаларидан бошланган.

Суратда: Сапёрлар майдонининг бугунги фотопанорамаси.

М. Нуриддинов фотолари.

ФРУНЗЕ РАЙОНИНИНГ "ХУРМАТ ТАХТАСИ"

РАҲМОНОВ Тожи — 3-гишт заводи қуритиш цехининг бригада бошлиғи. У бошлиқ бригада аъзолари тўқиз ой ичида оддий ва ишлов берилган 1 миллион дона юқори сифатли гишт тайёрладилар. Т. Раҳмонов «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени билан мукофотланган.

МАТРОСОВА Ранса Дмитриевна — қурилиш материаллари комбинатининг илғор ишчиларидан биридир. Цех машиниси хизмат комиссиясининг аъзоси. Тўқиз ой ичида плондан ташқари 1350 квадрат метр пардоз плиталари ва 1000 шартли метр майда плиталар ишлаб чиқарилди.

ИБРОҲИМОВ Самиг — 2-кўн комбинати коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи. У бошчилик қилаётган коллектив аъзолари 9 ой ичида планга қўшимча равишда 900 тонна қаттиқ ва юмшоқ тери маҳсулотларни ишлаб чиқардилар. С. Иброҳимов Ленин ордени билан мукофотланган.

ИВАНОВА Антонина Федоровна — упа-элик фабрикасининг атторлик инженери, КПСС аъзоси. У «Чилонзор» ва «Салют» деб аталувчи юбилей композицияларини ишлаб чиқишда актив қатнашди. КПСС аъзоси А. Ф. Иванова СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг медали билан мукофотланган.

РАҲИМОВ Саид — 1-пойафзал фабрикасининг фрезерчиси.

Цех партия ташкилотининг секретари. С. Раҳимов «Ҳурмат белгиси» ордени ва «Енгил саноат ходимлари социалистик мусобақаси аълочиси» нишони билан тақдирланган.

БОБОНАЗАРОВА Лайло — 4-нон заводининг смена мастери. У раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари тўқиз ой ичида планга қўшимча равишда 1800 тонна биринчи сортли оби нонларни ёпдилар. Л. Бобоназарова «Озиқ-овқат саноати аълочиси» нишони билан тақдирланган.

МУНОСИБ ИЗДОШЛАР

Шу йилнинг апрель ойлари эди. Тошкент тўқимачилари Маданият саройининг катта залида Валентина Плетневанинг Ўзбекистондаги издошлари республика слёти давом этарди. Илғорларнинг чиқишларидан кейин енгил саноат министри ишда энг ибрат кўрсатганларга фахрий ёрлиқлар ва пул мукофотлари топширади. Тошкент тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг раиси Николай Скорохватовнинг номи айтилади. Унга ҳам ёрлиқ ва мукофот топширилади.

Ўз жойига келиб ўтирмасданоқ унинг оғзидан ҳаяжон аралаш айтилган қисқагина мана бу сўзлар кўпчиликка эшитилади:

— Бригадамиз ўтган йил планини муддатидан илгари бажарган эди. Юбилей йилида ундан ҳам барвақтроқ бажарамиз. Валентина Плетнева Совет ҳокимиятининг юбилейигача икки йиллик нормани бажаришга сўз берипти. Биз ҳам шундай қиламиз.

Костромалик ажойиб тўқимачи икки йиллик планини белгиланганидан 3 ой илгари бажарганлиги ҳақида мамлакатимиз 1 август куни бохабар бўлди.

Скорохватовчи-чи! У Плетневадан бир ойгина орқада қолди — икки йиллик планни 1 сентябрда адо этди. Бу ғалабага эришиш осон бўлмади — у ишлайдиган бригаданинг газламага гул босувчилари юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун баракали меҳнат қилдилар. Бунинг қанчалик масъулиятли вазифа эканлигини газламага гул босиш машиналари олдида тургандагина билиш мумкин.

В. ПЛЕТНЕВА ТАШАББУСИ БЎЙИЧА

...Кориталарга бўёқ қўйилди. Ҳар бири турли хил бўёқ берадиган 10 вал ҳаракатланди. Хилма-хил рангдаги ёрқин шаклар пайдо бўла бошлади. Валларни ўрнатишдаги андаккина эътиборсизлик бўёқнинг белгиланган жойга тушмаслигига, газламанинг бракка чиқишига сабаб бўлади.

Лекин бригададагиларнинг ҳаммаси ҳам хушёр. Георгий Панов ва Марта Леонтьева бригадир билан бир сафда туриб минг товланиб ранг бераётган лентаналарга нигоҳ ташлайдилар. Бригаданинг барча аъзолари кўп йиллик иш стажига ва тажрибага эга. Улардан Л. Орлов, Абдураҳмат Мадаминов каби ёш ишчилар ҳам орқада қолмасликка интилмоқдалар, виждонан меҳнат қилишмоқда, ҳар минутнинг қадрига етишяпти.

Скорохватов бошқараётган машинада экспорт учун тайёрланаётган газламаларга гул босилмоқда. Саралочилар бу жараённинг қай тариқа бажо этилганлигини синчиклаб текширадилар. Бу ерда маҳсулотнинг 99 процента ва ҳатто ундан ҳам кўпроғи биринчи сортли қилиб тайёрланяпти.

Бригада юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш билан бирга, нормани ҳам ортиғи билан бажармоқда.

Иқтисод қилиш ва тежамкорлик кўриги давом этмоқда. Шу сабабли коллектив ҳар бир тийин, бўёқ материалларини авайлаб сарфламоқда. Ҳозирланган бўёқни смена тамом бўлгунча ишлатиб бўлиш ҳаракатини қилишади. Шундай қилинмаса, бўёқ айниб қолади.

— Имкониятлар имизни сарҳисоб қилиб чиқдик, — дейди Николай Скорохватов. — Юбилейгача 1,2 миллион метр газлама етказиб берамиз.

Комбинатда костромалик тўқувчининг юзлаб издошлари бор. Анна Сергеева, Александра Шипилова, Роза Галимова, Ақлима Гизделханова, Мария Паничева ва бошқа жуда кўп тўқимачилар ҳозирнинг ўзидаёқ йиллик нормани адо этиб қўйдилар.

М. МАРГОНИН.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи шу долзарб кунларда Улуг Октябрнинг 50 йиллиги шарафига бошланган юбилей вахтаси эстафетасини давом эттирмоқда.

Суратда: 2-йигирув фабрикасининг пешқадам ишчиларидан мастер ёрдамчиси Раҳмат Аҳмедов ва йигирувчи Лида Липсак ўртоқлар иш устида.

Ишлаб чиқараётган маҳсулоти оламга машҳур бўлган Тошкент тўқимачилик комбинатининг читга гул босиш фабрикасида турли хил газламалар ишлаб чиқариш пайти.

Суратда: чит тахловчи Ж. Трегубова

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Бинокорлик материаллари комбинати ишлаб чиқараётган керамзитдан тайёрланаётган изоляция материаллари, керамзит-бетон блоклари, плиталар ва гипсдан қилинган панеллар қаторига яна икки хил маҳсулот қўшилди. Корхонада биноларнинг олдини безаш учун ўрнатиладиган сопол плиталар ва древнаж қувурлари тайёрлаш ўзлаштирилди.

Хилма-хил рангдаги ва кўринишдаги, чиройли ҳамда чидамли сопол плиталар В. И. Ленин майдонидаги 9 қаватли маъмурий бино ҳамда шаҳримиздаги бошқа кўпгина улкан иншоотларни безайди.

Древнаж қувурларининг дастлабки туркуми Сурхондарё областига жўнатилди.

Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига вахтада туриб ишлаётган комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари 9 ойлик планни барча кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари адо этдилар ҳамда планга қўшимча 50 минг сўмлик маҳсулот тайёрладилар.

Йил охиригача корхонада планга қўшимча яна 15 минг сўмлик бинокорлик материаллари чиқарилади.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

МЕТАЛЛ-ФУРНИТУРА ЗАВОДИ;

ТЎҚУВ ФАБРИКАСИ;

УПА - ЭЛИКЛАР ФАБРИКАСИ;

ҲАММА АВТОБАЗАЛАР ҚАЙТАДАН ҚУРИЛАДИ.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЧИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ:

- УПА - ЭЛИКЛАР ФАБРИКАСИДА — ТЎРТ БАРАВАР;
- 2-ТИКУВ ФАБРИКАСИДА — УЧ БАРАВАР;
- ПЛАСТМАССА БУЮМЛАРИ ЗАВОДИДА — ИККИ БАРАВАР;
- МЕТАЛЛ-ФУРНИТУРА ЗАВОДИДА — 65 ПРОЦЕНТ;
- ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИДА — 45 ПРОЦЕНТ;
- «ВАТАН» МЕБЕЛЬ ФИРМАСИДА — 1,5 БАРАВАР;
- 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИДА — 1,4 БАРАВАР КЎПАЙТИРИШ КЎЗДА ТУТИЛАДИ.

ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИКДА:

- БОГДАН ХМЕЛЬНИЦКИЙ,
- ШОТА РУСТАВЕЛИ,
- МУҚИМИЙ,
- ГЛИНКА КЎЧАЛАРИНИНГ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНАДИ.
- ФАРҲОД МАССИВИДА 980 ЎРИНЛИ МАКТАБ ВА 280 ЎРИНЛИ БОЛАЛАР КОМБИНАТИ ҚУРИЛАДИ.

ҚАЛБ ҚАРИМАС

●ОКТЯБРЬ ВА ИНСОН

Дўст ва маслаҳатчи

Григорий Ивановичга дўстлари ва ўртоқлари энди бошлаш лозимлигини ишора қилишди. Лекин Шмирёв бунга ботиноллмас, ўзини шу ишга ноқобил деб сезарди. Солиҳ ота келди-ю, байрамлардагидек безатилган стол атрофига айланиб ўтиришди.

Биринчи қадаҳ албатта шу уйнинг эгаси ва тантана сабабчиси Григорий Иванович шарафига нўтарилди. Бу тантана унинг кўксини «Ҳурмат Белгиси» ордени безаганлигига бағишланганди.

... Бунга анча бўлди. «Таштекстильмаш» заводи темирчилик-пресс цехида Гриша дастлабки вақтларда ҳамма участкаларга юборилаверарди. Гоҳ у участкага юборилса, гоҳ бунисига жўнатиларди.

— Гришани мен шогирд қилиб оламан, — дейди шунда старший темирчининг ёрдамчиси Солиҳ Одилов цех бошлиғига юзланиб. — У фақат мен билан ишлайди.

Цех бошлиғи рози бўлди.

Шмирёвнинг темирчилик фаолияти ана шундай бошланган.

Йиллар ўтди. Старший темирчи Одиловни касбдош дўстлари пенсияга кузатганларидан сўнг, ветеран ишчининг ўрнини унинг шогирди Шмирёв эгаллади.

... Иккинчи қадаҳ Григорий Ивановичнинг энг яқин дўсти ва унинг ҳамишалик маслаҳатгўйи, заводдаги барча темирчиларнинг устози «Ҳурмат Белгиси» орденларидан иккитаси билан мунофотланган Солиҳ Одиловнинг саломатлиги учун бўшатилди.

Туну кун

Тошкентлик батрак ўғлининг ҳаёти қувончсиз кунларда бошланди. Солиҳ онасини эслолмайди. Онаси Солиҳ жуда мурғаклигидаёқ кўз юмган. 1920 йилда — бола эндигина 12 ёшга тўлганда отадан ҳам айрилди.

Етим қўшниларининг қўй-сигирларини боқиб, ўзига бир бурда нон топиб еб юрди.

Қоронғи тунлар ўрнини қуёш ёрқин нур сочган кунлар эгаллади.

Йигирма еттинчи йили «1 май» устахонаси темирчилик цехига ишга кириб, Солиҳ ўз иқболини топди.

У болга урувчи паҳлавонларнинг меҳнатига ҳайрат билан боқарди. Темирчиларнинг афсоналардагидек маҳорати уни мафтун қилиб қўйди. Шу вақтгача қаттиқ темир одам қўлида бунчалик юмшоқ бўлиб қолишини, парчинланишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Айниқса Иван Матюгиннинг болга уришига ҳавас билан боқди. «Мен ҳам шундай қилиб темир парчинлашни ўрганиб олсам эди» деб хаёл қилди йигитча.

— Қалай, ёқадими? — деди Солиҳнинг тинилиб турганлигини кўрган Матюгин.

— Жуда ҳам!

— Менга сенга ўхшаган ёрдамчи зарур эди. Шогирд тушасанми?

Шу кундан бошлаб тажрибали мастер ва ўзбек ўғлони ажралмас дўст бўлиб қолишди. Куну тун Солиҳнинг хаёли темирчилик билан банд бўлди. У фақат Матюгиннинг тажрибаларинигина эмас, бошқа темирчиларнинг ҳам ибратли ишларини қизиқиш билан ўрганиб борди.

Одиловга мустақил ишлаш учун ишонч билдирилган кунни у ҳалиҳали хотирасидан чиқармайди.

Йиллар бар тутқаз, май ўтаверади.

1941 йилнинг даҳшатли кунлари. Мамлакат саноати ҳарбий мақсадларга хизмат қила бошлаган кезлар. Тошкентда янги саноат корхоналари пайдо бўла бошлади.

«Таштекстильмаш» заводи ташкил топган биринчи кунданоқ Матюгин ва Одилов шу корхонада ишлашяпти. Шу ерда туриб дўстлар душман устидан ғалаба қозонишди. Бу ерда уруш йилларида Иван Васильевич Матюгин меҳнат постида туриб ҳаётдан кўз юмди.

Кенгаш аъзоси

Солиҳ Одилов «Таштекстильмаш» заводида 17 йилдан кўпроқ меҳнат қилди. Энг қувончли ва энг қийин кунлар уни шу корхона билан боғлаб туради. Машинасозлар уни худди шу ерда партия сафига қабул қилганлар. Тошкент область ва Фрунзе район Советларига депутат қилиб сайлаганлар.

1958 йили Солиҳ ота пенсияга кузатилди. Дам олиш ҳам керак эди. Бироқ кекса темирчи уйда кўл қовиштириб ўтиришни ўзига эп кўрмади. У завод пенсионерлар кенгашининг жамоат контроли бўйича аъзоси. Ошхоналар, магазинлар, буфетлар ва дўконларнинг иши учун жавобгар одам.

Бир куни корхона пионерлар лагерининг боғидан терилган шафтолилар заводга келтириб қолди. Уни ким сотади? Албатта, пенсионерлар бу ишни ўз зиммаларига олиши керак. Шунда Солиҳ ота енг шимариб ишга киришди.

— Солиҳ ота, негадир ўзингизни сал олдириб қўйибсиз? — харидорлардан бири унга ачингансимон боқиб деди.

— Шафтоли ҳосили мўл бўлди, — меҳнат ветерани бу сўзларни қувонч билан таъқидлади. — Сотиб бўлсак, боғимиздаги бўлиб нетамиз.

Кекса темирчи кўпчиликка ғамхўр одам. У заводдагина шундай десак озлик қиладн. Одилов райсобес пенсионерлар кенгашининг ҳам аъзоси.

Ш. ГАЛИМЖОНОВ.

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи — «Таштекстильмаш» ишлаб чиқараётган машҳур «Восток» тўқимачилик машинасининг донги бутун оламга кетган.

СУРАТДА: бир группа чет эллик меҳмонлар совет «Восток» тўқимачилик машинаси билан танишмоқдалар.

СУРАТДА: «Таштекстильмаш» заводи бош йиғув цехининг бир группа пешқадам йиғувчи машинасозлари (чапдан ўнгга) А. Киселев, В. Бирюков, П. Бобров ва Н. Поволяев ўртоқлар. Коммунистик меҳнат зарбдорлари бўлган бу илғор ишчилар совет давлатининг 50 йиллиги шарафига смена ва ойлик топшириқларини бир ярим баробардан адо этаётирлар.

Фрунзе районидаги Никоҳ саройида ҳар куни 25—30 жуфт келин-куёв никоҳдан ўтадилар. Никоҳ саройи 1964 йил апрель ойида ишга тушган бўлиб, ўша даврдан буён бу ерда ҳозиргача 25 минг никоҳ қайд қилинди.

СУРАТДА: Никоҳ саройининг мудираси Онахон Паратова ва бош иш юритувчи Раиса Арутунян ўртоқлар келин-куёв республика дорихоналар бошқармасининг шофёри Абдумалик Қодиров билан 16-шаҳар касалхонасининг хизматчиси Раъно Аъзамовалар никоҳини расмийлаштирмоқдалар.

М. Нуриддинов фотолари

ҚАЛБИ ЖАҲОН КЎРАДИ

Она орзу қилганидек Эркинжон ёшлигиданоқ ўзининг ўткир зеҳни, ақли ва иродаси билан бошқалардан ажралиб турарди. У ғоят ўқиш билан бирга дарсдан бўш пайтларида онасига кўмаклашар, оғирини енгил қиларди. Эркин 10-синфни муваффақиятли тугатгач, Ленин номли Ўрта Осиё Давлат университети филология факультети логика ва психология бўлимига ўқишга кирди. Эркин Юсупов студент-ёшлар ўртасида ўзининг чуқур мулоҳазали фикр юритиши, ҳар бир масалага атрофлича ёндошиши билан ажралиб турарди. Эркиннинг ана шу олижаноб фазилатлари университет ўқитувчиларининг ҳам диққатини тортмай қўймади. Шунинг учун ҳам факультет ўқитувчилари унинг ўқиши, юриш-туриши, жамоатчи сифатидаги ишларини доимо назорат қилиб боришди.

Натижада 1951 йили Эркин Юсупов университетини тамомлаганида унга ўқишни давом эттиришни маслаҳат бердилар. У Ломоносов номидаги Москва Давлат университетида аспирантурада ўқий бошлади. Унинг «Тафаккур қонунлари диалектик материализм таълимоти асосида» деган темадаги илмий ишига марҳум профессор П. С. Попов раҳбарлик қилиб борди.

Аспирантурадаги ўқиш, кечасию-кундузи илмий изланиш, ўз устида қунт билан ишлаш ўз самарасини бермай қўймади. Билимга чанқоқ оддий ўзбек йигити Эркин Юсупов кандидатлик диссертациясини муддатидан бир йил илгари ёзиб тугаллади, Москвалик йирик философ олимлар Юсуповнинг илмий ишига ижобий баҳо бериб, уни юксак баҳоладилар.

— Мен, — деган эди марҳум профессор П. С. Попов ўшанда — Ўзбекистонни, ўзбек халқини жуда яхши биламан. Айниқса у ерда ижод қилган олим ва мутафаккирларнинг бебаҳо жаҳоҳирлари мени жуда ўзига мафтун этган.

Ҳа, профессор П. С. Попов янглишмаган эди ўшанда. Катта талант соҳиби, файласуф олим Эркин Юсупов мана бир неча йилдирки, ўз билими, ғайрати ва таланти ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, республикада фалсафа фанини тараққий эттиришга сарфлаб келяпти.

Шуни айтиш керакки Эркин Юсупов ўзининг камтаринлиги, самимийлиги, ёшларга нисбатан маслаҳатгўй ва меҳрибонлиги билан студентлар ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг профессор ва ўқитувчилари орасида катта обрўга эга. Агар бирор киши унинг олдига бир маслаҳат ёки савол билан келгудек бўлса, ундан вақтини ҳам, билимини ҳам аямайди, ёрдам қўлини чўзишга доим тайёр.

Фақат шугина эмас. Олим қисқа вақт ичида республикада фалсафа фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг шу кунгача 120 номда илмий ишларининг нашр этилганлиги фикримизнинг далилидир. Бундан ташқари «Материализм ва дин», «Кам тараққий этган мамлакатларда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги қарама-қаршиликлар» ни йўқотиш йўллари» энг яхши манба сифатида фойдаланиляпти.

Тиниб-тинчимас олим, актив жамоатчи, меҳрибон устоз Эркин Юсупов кўп йиллар давомида коммунизм қуриш ишида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги зиддиятни тугатиш масалалари устида бош қотирди. Бунинг самараси ўлароқ унинг «Ўрта Осиё республикаларида шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги зиддиятларни тугатишнинг тарихий тажрибаси» деган илмий иши майдонга келди. Натижада 1965 йили ана шу темадаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Қарши Давлат педагогика институти, фалсафа кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари кандидати Тошпўлат Жавлиев, андижонлик Ҳабибулла Тиллаев, қўқонлик Хусанжон Юнусов, Турсунов, тошкентлик Эркин Гулметов, қашқадарёлик Зоир Ғофуров ва бошқа философлар унинг шогирдидир.

Олим Эркин Юсупов мана бир неча йилдирки Тошкент область «Билим» жамиятининг раиси, «Ўзбекистон» нашриёти, илмий-атеистик адабиёт бўлимининг жамоатчилик асосидаги мудири, олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш институти фалсафа кафедрасининг жамоатчилик асосидаги мудири ҳамдир.

Кўкрагида «Ҳурмат белгиси» ордени ҳамда «Шавкатли меҳнати учун» медали порлаб турган истеъдодли олимга яқинда профессор унвони берилди.

Сафар УТАНОВ.

Богдан Хмельницкий кўчаси шаҳримизнинг энг кўркам кўчаларидан биридир.

Суратда: Богдан Хмельницкий кўчасининг кўриниши.

Р. Бибишев фотоси.

ОКТЯБРГА ҚИЁС

Тўқимачилик комбинатининг комсомоллари юбилей йилининг биринчи кунини ҳамиша ёдда тутадилар. Худди шу куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биринчи раиси, бизнинг корхонамиз пойдеворига дастлабки гиштни қўйган Йўлдош Охунбобоев қабри олдида комбинатнинг кекса коммунистари ва энг яхши комсомоллари тўпланишди.

Йўлдош Охунбобоев қабри олдида комсомоллар ҳақиқий ленинчилар, бизнинг кекса ўртоқларимиз-ком м у нистлар сингари яшашга ишлашга ва ўқишга қасамёд қилдилар.

Биз мана шу қасамёдга содиқмиз.

Ип йигирув фабрикасининг Алфия Аҳмаджонова бошқараётган комсомол-ёшлар коммунистик меҳнат бригадаси корхонада биринчи бўлиб Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги коллективи номини олиш учун мусобақага қўшилди.

Бизда ҳозир 480 комсомол коммунистик меҳнат зарбдори деган муборак номга мулсар бўлган, 1950 комсомол шу қутлуғ ном учун мусобақалашмоқда.

Маҳсулот сифатини яхшилаш ва хом ашё ҳамда ёрдамчи материалларни иқтисод қилишдан иборат улкан ҳаракатда «Комсомол прожектори» рейдлари муҳим ўрин тутмоқда. Йил бошидан буён комбинат бўйича 36 рейд ўтказилди. Рейд натижалари «Тўқимачилар овози», «Голос текстильщика» газеталарида ёритиб борилянти, кўргазмали тарзда намойиш қилинмоқда.

Ётоқхона ва ошхоналарда ўтказилган «Комсомол прожектори» рейдлари қизиқарли ва фойдали бўлди.

Комбинат парткоми раҳбарлигида комсомол комитети ёшларни жанговар революцион ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашга катта аҳамият беряпти. Ҳар ойда меҳнат шуҳрати кечалари ўтказилмоқда. Унда кекса ишчилардан Т. А. Лунин, Н. А. Мақсумова, М. Ф. Алпатова, А. И. Турков ўртоқлар ёшлар билан учрашдилар.

«Ўз комбинатингни ўрган ва сев», «Уч авлод учрашуви», «Совет армияси сафига кузатиш» деб номланган учрашувлар жуда қизиқарли ўтмоқда.

«Ишчиларга бағишлаймиз» деб номланадиган тантаналарнинг ҳар бирида цех, фабрика, илғорлари партия раҳбарлари фаол қатнашадилар. Бундай йиғилишларга ёш тўқимачиларнинг ҳурматини қозонган кишилар таклиф қилинади.

Кўпгина ёшларимиз ўқишмоқда. Ишчи-ёшлар мактабида 732 киши, техникумларда 429 киши, олий ўқув юртларида 380 киши, партия ўқуви системасида, комсомол маорифи шохобчаларида анчагина ёшлар ўз билимларини оширишмоқда.

Партия ташкилотининг катта ёрдами ва кекса коммунистларнинг фаол қатнашувлари натижасида биз республикада ҳаммадан аввал зўр уюшқоқлик билан комсомол билетларини алмаштиришга муваффақ бўлдик.

Ҳозир бизда взносдан қарздорлар ва комсомол учетини кўчириб кетмаган бедараклар йўқ. Фабрикаларда комсомол йиғилишлари мунтазам ўтказиб турилади.

Буларнинг ҳаммаси комсомол ўқувининг яхши йўлга қўйилганлиги, комсомол активларининг бирлашган семинарлари, партком ўтказаётган тадбирлар, комсомол активлари мактаби машғулотлари мунтазам ўтказиб турилганлигининг натижасидир.

Бизда Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номини олиш учун энг яхши комсомол группалари мусобақаси ташкил этилган. Ҳозир бу мусобақада 3-йигирув фабрикасидан Римма Журавлева, пардозлаш фабрикасидан Таня Сулаймонова ва 1-йигирув фабрикасидан Гера Пак ўртоқлар бошлиқ комсомол группалари олдинда боряпти.

Комбинат комсомол-ёшлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёрланмоқдалар.

Л. КУНДУХОВА,
тўқимачилик комбинати комсомол комитетининг секретари.

1-пойафзал фабрикаси энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган енгил саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Корхонанинг меҳнатсевар коллективи кенг халқ истеъмолларига бўлган талабларни ҳисобга олиб, янада кўпроқ турли хил сифатли пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш устида фидокорона меҳнат қилаётир.

СУРАТДА: пойафзал фабрикасининг автомат конвейерларидан бирида аёллар учун янги пойафзаллар ишлаб чиқарилаётган пайт.

ГОЛИБЛАР

Саогидропроект коллективи яқинлашиб келаётган умумхалқ байрамига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Барча проект ва тажриба звенолари юбилей олди социалистик мусобақаларида актив иштирок этмоқда.

Узида мингга яқин кишини тўплаган коммунистик меҳнат бригадалари ўртасида мусобақа айниқса қизиб кетди. Энг яхши бригадалардан бештасига Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги деган шарафли ном берилди.

Комсомолларнинг ютуғи кишини қувонтиради. Комсомол ташкилоти «Беш йиллик — ёшлар маҳоратини ошириш йилларидир» деган шиор остида ёшлар конференциясини ўтказди. Энг яхши докладлар Бутуниттифоқ гидропроект конференциясига тақдим этилди.

Бутуниттифоқ конференцияда коллективнинг ишига юқори баҳо берилди ва Саогидропроект ходимлари мусобақа голиблари бўлдилар.

ЮТУҚЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Ўзбекистон илмий-техника ахбороти ва пропагандаси институтининг ходимлари Совет давлатининг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, меҳнатни илмий асосда ташкил этиб, иқтисод ва тежамкорлик, янги техника ва технологияни жорий этишга оид бўлган 378 та ахборотни нашриётга саккиз ой мобайнида тайёрлаб бердилар.

Коллектив мамлакатда ягона илмий техник ахборот системасининг биринчи навбатини ишга тушириш проблемаларини ҳал этишга катта ҳисса қўшмоқда.

Институт мутахассислари томонидан икки мингга яқин энг янги таклифлар эндиликда саноат, транспорт ва алоқа корхоналарида ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Тошкент-Чирчиқ-Тошкент

«ГЛАВСТРОЙИНДУСТРИЯ»НИНГ ТАЖРИБА МЕХАНИКА ЗАВОДИДА ДЕВОРВОЙ ПАНЕЛЛАР ТАЙЁРЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МУРАККАБ ҚОЛИПЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎЗЛАШТИРИЛИБ БЎЛДИ. УЛАРНИНГ ЁРДАМИДА ЧИРЧИҚ БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ КОМБИНАТИДА ШАҲРИМИЗДА ҚУРИЛАЁТГАН МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭНГ ЯХШИ ЯХМАЛАК МАЙДОНИ УЧУН ПАНЕЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ.

БИРИНЧИ БЎЛИБ

7-темир-бетон буюмлари заводи меҳнаткашлари Ўрта Осиёда биринчи бўлиб резина матрацлари ёрдамида тайёрланган ярқиллама плиталар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Тошкент шаҳрининг энг катта майдони бўлган В. И. Ленин номли майдон ана шу чиройли плиталар ёрдамида безалади.

Хотин-қизлар, сизлар учун

1-пойафзал фабрикасида хотин-қизлар этикларининг янги хилини тайёрлаш ўзлаштирилди. Унинг пошнаси ўртача баландликда ва қўнжи узун. Кўриниши замонавий.

Этиклар тикишда чармдан қолишмайдиган юқори сифатли синтетик материаллардан тайёрланмоқда. Унинг капрон пошнаси савинолдан тайёрланган, тагчармга маҳкам қилиб ўрнатилган, гигиена жиҳатидан жуда қулай.

Саломатлик посбонлари

Ип йигирув фабрикасининг электромонтёри Николай Маевский соғломлаштириш пунктига келиб бундай деди:

— Қорним оғриб турипти.

Пункт мудири Михаил Алимбоев беморни кўздан кечирди.

— Мана бу номерингиз, комбинат поликлиникасига бориб терапевтга учрашинг. Электромонтёрда қорин яллиғланиши белгилари аниқланди. Маевский узоқ вақт станционарда, кейин амбулатория шароитида ва соғломлаштириш профилакторийсида даволанганидан сўнг дарддан халос бўлди. У ҳозир ишлаб чиқаришда баракали меҳнат қилмоқда. Соғломлаштириш пунктининг мудири Михаил Алимбоевга миннатдорчилик изҳор қилмоқда.

Тошкент тўқимачилик комбинати медицина-санитария қисми медицина муассасаларининг катта комплексини ташкил этади. Бу ерда поликлиниканинг соғломлартириш бирлашмаси ва ўнта цех соғломлаштириш пункти, стационар ва поликлиникасига эга бўлган терапевтика бўлимаси, хотин-қизлар консультацияси билан бирга акушерлик-гинекология бирлашмаси, туғруқхона, поликлиника, стационарга эга бўлган болалар бўлимаси, юқумли касалликлар бўлимаси ва сутхона, стационар ва поликлиникали хирургия бўлимаси мавжуд. Бундан ташқари санитария-эпидемия станцияси ва аптека ҳам бор.

Поликлиника ҳузурида 76 врач кабинети бўлиб, улар янги медицина ускуналари билан таъминланган. Беморларни юқори малакали мутахассислар қабул қилишади. Поликлиникада бир қатор ёрдамчи хоналар ва диогноз аниқланадиган кабинетлар ҳам бор.

Комбинат медицина-санитария қисмида 185 врач ва 40 дан ортиқ ўрта медицина мутахассислигига эга бўлган киши ишлайди. Бу медицина ходимларининг катта армияси бўлиб, тўқимачиларнинг саломатлигини сергаклик билан ҳимоя қилиб турипти.

Болалар ҳам эътиборсиз қолдирилаётгани йўқ. Комбинатда 12 болалар боғчаси ва 7 ясли ишлаб турипти. Уларда 3 мингдан ортиқ бола тарбияланмоқда.

Касалликларнинг олдини олиш борасида жуда кўп ишлар қилиниши билан бирга, тўқимачилар меҳнатининг безарар бўлишига ҳам катта эътибор берилянти. Комбинат ишчи ва хизматчилари учун санаторий, дам олиш уйлари, туристик базаларга йўлланмалар бериб борилади. 1967 йилнинг тўққиз ойидагина тўқимачилардан 224 киши марказий курортларда даволаниб қайтишди. 441 киши отпускасида дам олиш уйларида ва 110 киши туристик базаларда бўлди. Тўқимачи Н. Мавлонова ўз отпускасини «Осетия» курортида, пиликловчи Р. Арслонова Кисловодскда ўтказди. Ёрдамчи мастер Н. Темирхўжаев Ялтада, слесарь П. Будяев «Трусковец» санаторийсида даволанди.

Комбинат ҳузурида тунги профилакторий ташкил этилган. Тўқимачилар касаба союз ташкилотининг йўлланмаси ва медицина-санитария қисмининг таклифи билан ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 24 кун мобайнида тунги санаторийда дам оладилар ва ўз саломатликларини тиклайдилар. Шу йилнинг ўзидагина комбинат профилакторийс и д а 389 тўқимачи дам олди.

В. САМОЙЛИК.

ОЛИЙ ЛИГАДА

«Текстильщик» стадиони ҳамиша гавжум. Бу ерга тўқимачилар сменадан сўнг йиғилишиб, спорт машғулотлари ўтказишади.

Фанатгина бу стадион гавжум эмас. Фрунзе районида 84 волейбол ва 52 баскетбол майдони бор. Икки сузиш бассейни, 23 спорт зали, 3 спорт-соғломлаштир и ш лагери мавжуд.

Буларнинг ҳаммаси спорт ишқибозлари хизматида. Ҳамма ерда спорт машғулотлари, тренировкалар, мусобақалар давом этяпти.

Спортга ишқибоз меҳнаткашлар кўпаймоқда. Ҳозир районда 98 спорт коллективи бор. Уларга 33 минг спортчи бириккан. Шундан 16 минги хотин-қизлардир. Бундан ташқари 80 ишлаб чиқариш коллективида ишлаб чиқариш гимнастикаси ўтказиш одат тусига кирган. Уларда 24900 ишчи ва хизматчи спорт билан шуғулланмоқда.

Районда 142 та штатли физкультура ўқитувчилари ва тренерлар ишламоқда.

Спортчиларнинг маҳорати ортиб бораётганлиги мана бу рақамлардан ҳам маълум. 1957 йилда фақат 30 та разрядчи спортчилар тайёрланган бўлса, улар орасида спорт мастерларидан биронта ҳам йўқ эди. 10 йилдан кейин— 1967 йилда 14 спорт мастери, 135 биринчи разрядли спортчи, 412 иккинчи разрядли, 3008 учинчи разрядли ва 2574 ўсмирлик разряди бўйича спортчи тайёрланди.

Ҳозир районда 82 спорт мастери ва мастерликка кандидатлар бор. Ёш мастерлардан Артамонова, Зуева, Ҳабибуллина, Черкашина, Тамара ва Татьяна Волковалар, шунингдек Чусов, Ходяков ва бошқаларнинг номларини тилга олиш мумкин.

Районда спортчиларнинг шон-шуҳрат қозонган икки командаси бор. «Таштекстильмаш» заводининг баскетболчилар командаси ва тўқимачилик комбинати волейболчилар командаси СССР чемпионатининг олий лигадаги «А» класси мусобақаларида қатнашмоқда.



Суратда: Фрунзе районидаги тўқимачилар саройининг умумий кўриниши.

М. Нуриддинов фотолари.

ФРУНЗЕ РАЙОНИНИНГ ҲУРМАТ ТАХТАСИ

МУҲАМЕДОВ Эргаш — 1-автокомбинатнинг такси ҳайдовчиси. У авария қилмасдан 1 миллион километрдан ортиқ йўл босди. Юбилей йилининг тўққиз ойи ичида пландан ташқари 1500 йўловчи ташишга эришди. У маҳаллий комитет аъзоси ва автокомбинат маиший хизмат кўрсатиш комиссиясининг раиси-дир.

ХОЖИНОВА МАЪСУДА АЪЗАМОВНА — Тошкент тўқимачилик институтининг ректори, техника фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академигидир. Шаҳар Советининг депутати М. А. Хожинова Ленин ордени билан мукофотланган.

ГАЛЯМОВА Абзания — тўқимачилик комбинати тўқув фабрикасининг тўқувчиси. У корхона ишга тушган кундан бери бу ерда ишлаб келмоқда. Костромалик тўқувчи В. Плетнева ташаббусига қўшилиб ишлаб, икки йиллик топшириқни ўринлатиб қўйди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 99,5 процента биринчи сортларга қабул қилинди.

РЕЙСКАМП Август Александрович — «Ватан» мебель фирмаси йигув цехининг дурадгори. У корхонада 1937 йилдан буён ишлаб келмоқда. У юксак сифатли мебель гарнитуралари тайёрлайди. Юбилей йилининг тўқиз ойи ичида планда кўзда тутилган 9 та ўрнига 12 та мебель гарнитуралари ишлаб чиқаришга эришди.

ОРЛОВ Николай Иванович — «Таштекстильмаш» заводи асбобсозлик цехининг йўнувчисидир. У 1930 йилдан бери корхонада меҳнат қилади. Николай Иванович Фрунзе район советининг депутати, завод партия комитетининг аъзосидир. У — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган олий мукофотга сазовор бўлган.

САВЕНКОВА Нина Александровна — 2-тикув фабрикаси тикув цехининг мастери. У раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари костромалик тўқувчи В. Плетнева ташаббусига қўшилиб, йил охиригача пландан ташқари энг яхши нусхадаги 3 минг дона болалар кўйлакларини тикиб беришга аҳд қилишган.

Лауреатлар

Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига тайёргарлик кунлари тўқимачилар маданият саройи бадиий ҳаваскорлик тўгараклари коллективлари учун ҳам ижодий камолот даври бўлди. Район, шаҳар ва республика фестивалларининг натижалари шундан далолат бермоқда.

Фестивалнинг дастлабки турида биздан 14 коллектив қатнашди.

Республика фестивалида 6 коллективимиз қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

Аҳмад Юнусов раҳбарлик қилаётган ўзбек театр ҳаваскорлари коллективининг охирги ижодий иши юқори баҳо олди. Иззат Султоннинг «Имон» асари асосида кўрсатилган спектакль биринчи даражали диплом ва мукофот билан тақдирланди.

Халқ ансамблимизнинг ўзбек рақслари группаси довруғи Ўзбекистонга таралган. Унга республикада хизмат кўрсатган артистка М. Оқилова раҳбарлик қилмоқда. Республика фестивалида ансамбль Ўзбекистон ССР халқ артисти И. Оқилов томонидан қўйилган «Тошкент дўстлар даврасида» сюитаси билан қатнашди.

Ўзбек рақслари халқ ансамбли республика фестивалининг лауреати деган номни олди ва биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Е. Мурахвер раҳбарлик қилаётган бадиий сўз усталари халқ театрининг чиқишлари ҳам катта муваффақият қозонди. Бу халқ театри ҳам биринчи даражали диплом ва республика фестивалининг лауреати номини олди.

Москвадан ҳам хушхабар олинди. Бизнинг киноҳаваскорларимиз халқ студияси яратган «Олишув» фильми юқори баҳоланди. Бутуниттифоқ фестивалида фильм биринчи даражали диплом ва медаль олди. Фильм Бутуниттифоқ экранларида намойиш қилинади.

Я. Фрумгарц раҳбарлик қилаётган тасвирий санъат халқ студияси эришган муваффақиятлар ҳам қувончли. 20 ҳаваскор рассом яратган 250 асар Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ кўргазмасида намойиш этилди.

Ҳаваскорларнинг тўгаракларда қатнашуви юзлаб кишиларни санъатга сафарбар этмоқда, уларнинг маҳоратини намойиш қилмоқда.

Бунинг учун шу йилнинг ўзида бадиий ҳаваскорлик тўгаракларидан 35 киши консерваторияга, театр-рассомлик институтига, Беньков номли бадиий билим юртига ва бошқа ўқув юртларига таҳсил кўргани кетганликларини айтиш кифоя.

Маданият халқ университетимиз, филиалларига ва китоб тарқатувчи кўчма бўлимларига эга бўлган кутубхонамиз ҳақида ҳам кўпгина яхши гаплар айтиш мумкин.

Жамоатчиларнинг ёрдами билан кутубхонамиз 7 мингга яқин ўқувчига хизмат қилмоқда, совет ёзувчиларининг энг яхши асарлари муҳокамалари уюштирилмоқда. Ўзбекистон шоир ва ёзувчиларининг асарлари оммалаштирилмоқда.

Маданият саройимиз правлениеси ишлаб чиққан планда ишларимизнинг яна ҳам янги ва қизиқарлироқ формаларини топиш, янги-янги изланишлар назарда тутилган.

Ю. СУПОНИЦКАЯ,
тўқимачилар маданият саройининг директори.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Район ташкил бўлган пайтда бу ерда битта медицина санитария қисми, болалар шифохонаси ва катталар стационари бор эди. Бу соғломлаштириш ташкилотлари Тўқимачилик комбинати ишчиларига хизмат кўрсатар эди.

Энди районда олтита поликлиника, иккита диспансер, аёллар ва болалар консультациялари ҳамда туғруқхона ишлаб турибди.

Тўқимачилик комбинати «Ташсельмаш», 1-пойафзал фабрикаси ўз медицина-санитария қисмларига эга.

Район аҳолисига 445 врач ҳамда ўрта медицина маълумотли 900 киши медицина хизмати кўрсатмоқда.

1936 йилда район аҳолиси 38 минг кишидан иборат бўлса, ҳозирда йирик индустриалашган районлардан бири бўлган бу район аҳолисининг сони 168 минг кишига етди. Унинг территориясида машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари саноати ва бошқа корхоналар жойлашган.

Районда бешта лойиҳа ва учта илмий-текшириш институти иш олиб бормоқда.

Тўқимачилик комбинати ва «Таштекстильмаш» заводининг маҳсулотлари дунёнинг 70 мамлакатига юборилмоқда.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

16 ОКТЯБРДА Душанба

Биринчи

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 Спендиаров. «Уч хурмо».
18.40 СССР халқларининг рақс қуйлари.
19.20 Композитор Я. Шерфеддинов қўшиқлари (татарча).
20.00 «Механизаторлар аҳди» (русча).
20.10 «Вена романтиги». Музикали эшиттириш.
20-45 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН. «Сурхондарё саноати — юбилейга» деган суҳбат (ўзбекча).
21.00 **Пахтакорлар учун концерт.**
21.35 **Саломатлигингиз ҳақида икки оғиз сўз** (ўзбекча).
21.40 **«Улуғ Октябрь хроникаси»** (ўзбекча).
21.50 Москва. Улуғ Октябрь хроникаси. «Сўнгги ахборот».
22-15 **Концерт.**
22.40 «ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ» (ўзбекча).
23.20 ЛИРИКА КЕЧАСИ.

Иккинчи

19.00 **Чолғу куйлари.**
19.30 **Октябрь 50 йиллиги олдидан.** «Абадий биргаликда» деган радиокомпозиция (русча).
20-10 Республика композиторларининг қўшиқ ва романслари.
21.00 Л. Юсуповнинг **«Учрашув»** деган ҳикояси (тожикча).
21.20 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. Такрорий эшиттириш.

17 ОКТЯБРДА Сешанба

Биринчи

8.25 «Ватанни қўшиқларимизда шарафлаймиз» деган концерт.
9.30 Д. Зокиров. **«Ҳамза»** увертюраси.
10.10 Б. Савельев. «КПСС XXII съездига қаҳрамонона поэма».
10.30 «КОММУНИСТ». Музикали-адабий композиция.
11.15 «Афраснёб сирлари очилмоқда» деган радиоочерк (русча).
11.25 Фортепьяно пьесалари.
12.15 **Ўзбек халқ куйлари.**
13.40 Нина Поставничева куйлайди.
18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 Спорт эшиттириши (ўзбекча).
18.40 Ўзбек балетларидан рақслар.
19.20 Қорақалпоқ куйлари.
20.00 «Индустриянинг муҳим тармоғи». Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министри ўринбосари С. Тўхтахўжаев суҳбати (русча).
20.10 **Пахтакорлар учун концерт.**
20.45 **Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида эшиттириш** (ўзбекча).
21.00 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**
21.40 **«Улуғ Октябрь хроникаси»** (ўзбекча).
21.50 Москва. Улуғ Октябрь хроникаси. «Сўнгги ахборот».
22.15 **Концерт.**
22.40 **Улуғ Октябрь 50 йиллиги олдидан.** Ойдин. «Ширинга мактуб» (русча).
23.20 **Янги Тошкентни қураётганлар учун концерт.**

Иккинчи

7.15 Қардош республикалардан келган қурувчилар учун концерт.
8.25 С. Туликов ва А. Холминов қўшиқлари.
19.00 **«Авлодларга мактуб»** деган радиокомпозиция (ўзбекча).
19.30 «Литва халқ чолғу асбоблари» деган эшиттириш.
20.10 Ўзбекистон артистлари ижросида СССР халқларининг қўшиқлари.
21.00 **Пахта терими илғорлари учун концерт** (тожикча).
21.30 Д. Шостакович ижодига бағишланган музикали эшиттириш.

Учинчи

14.00 «Рус шон-шуҳрати музикаси» деган концерт-очерк.
17.30 П. И. Чайковский. Фортепьяно ва оркестр учун иккинчи концерт.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА КЎРИНГ!

16 ОКТЯБРДА Душанба

Биринчи

Ўзбек тилида:
18.00 **«Ғунча»** журнали — студиямиз меҳмони.
Рус тилида:
18.30 Телеянгиликлар.
18.45 Совет Армияси жангчилари учун. **«Юбилей саҳифалари».**
19.10 **«Эдуард Багрицкий».** Телефильм.
19.30 Реклама ва эълонлар.
19.45 Эшиттиришлар программаси.
Ўзбек тилида:
19.50 Телеянгиликлар.
20.10 Қозоқ тилида. **«Жанубий Қозоғистон пахтакорлари юбилей шарафига»** деган эшиттириш.
20.30 **Ўзбек Совет поэзиясининг телевизион антологияси.** М. Бобоев. «ШАБАДА ВА ЯПРОҚЛАР».
20.50 **«Ермак босиб ўтган йўл».** Ҳужжатли фильм.
21.10 **Телевизион театр.** Ғ. Ғулом. «ШУМ БОЛА». (Биринчи қисми).

Иккинчи

Ўзбек тилида:
18.30 **Студентлар учун.** Олий математикадан **«Координатларни алмаштириш». «Чизиқлар тенгламаси».**
МОСКВА КЎСАТАДИ
19.30 Ўқувчилар учун. **«Саёҳат ва саргузаштлар».**
20.30 Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги олдидан. «Днепропетровск маркази учун».
21.00 Телеянгиликлар.
21.10 **КПСС Марказий Комитети Тезисларини варақлаб.** Телевизион плакат.
21.15 **«Воднйлар ва тоғлар ошиб».** Киноновелла.
21.25 **КПСС Марказий Комитети Тезисларини ўқиб.**
21.30 Марксизм-ленинизм асослари мактаби тингловчилари учун. КПСС тарихидан **«Ленинча партиянинг ташкил топиши»** (иккинчи қисми).
22.00 А. Беркеши. «Вена шаҳри ёнидаги иморат». Телевизион спектакль премьерасининг иккинчи қисми.
23.05 **КПСС Марказий Комитети Тезисларини ўқиб.**
23.10 Спорт ҳафта ичида.
23.30 Телеянгиликлар.
24.00 **«Литературная газета»** летучкаларининг бирида.
00.40 Эфирда «Молодость» — «Ёшлар экрани».
01.10 С. Прокофьев. **«Александр Невский»**
02.10 Москва эшиттиришларининг охири.

Учинчи

18.00 **ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.**

17 ОКТЯБРДА Сешанба

Биринчи

Рус тилида:
17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 Телеянгиликлар.
18.15 Саноат ходимлари учун. **«Самарқанд юбилей олдида».**
18.35 Реклама ва эълонлар.
18.45 «МУЗИКАЛИ ВОҚЕА». Бадиий фильм.
20.05 Эшиттиришлар программаси.
Ўзбек тилида:
20.10 **«Фош этиш».** Ҳужжатли фильм.
20.30 Телеянгиликлар.
20.50 **Халқ созанда-бастакорлари юбилей шарафига.** Н. Ҳасанов ва С. Калонов куйлари.
21.30 **Пахтакорлар байрам олди вахтасида.**
22.00 **Телевизион театр.** Ғ. Ғулом. «ШУМ БОЛА». (Иккинчи қисми).

Иккинчи

Ўзбек тилида:
16.55 Эшиттиришлар программаси.
17.00 **Ўқув эшиттиришлари программаси.** Ўқувчилар учун. Ўзбек адабиётидан. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг революцион қўшиқлари.
Рус тилида:
17.45 Химия. «Органик бўлмаган бирикмалар классификацияси».
18.30 Студентлар учун. Олий математикадан «Координатларни алмаштириш», «Чизиқлар тенгламаси».
МОСКВА КЎРСАТАДИ
19.45 Эшиттиришлар программаси.
19.50 Кичик ёшдаги ўқувчилар учун. **«Телезнайка».**
20.20 **«Сенга, ёшлик».**
21.00 Телеянгиликлар.
21.10 **КПСС Марказий Комитети Тезисларини ўқиб.** Телевизион плакат.
21.15 **«Ёш гвардия».** Киноновелла.
21.25 **КПСС Марказий Комитети Тезисларини ўқиб.**
21.30 **Марксизм-ленинизм асослари мактаби тингловчилари учун.** Социализм сиёсий иқтисоди. «Капитализмдан социализмга ўтиш даври». (Иккинчи эшиттириш).
22.00 **Телевизион бадиий фильм.**
22.30 **Ярим аср йилномаси.** «1946 ИИЛ». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм.
23.25 **КПСС Марказий Комитети Тезисларини ўқиб.**
23.30 Телеянгиликлар.
23.55 **КПСС Марказий Комитети Тезисларини ўқиб.**
24.00 **Адабий театр.**
01.15 Совет қўшиқлари.
02.00 Москва эшиттиришларининг охири.

Учинчи

17.00 **ОЛМАОТА КУРСАТАДИ.**
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
Ўзбек тилида:
19.30 Эшиттиришлар программаси.
19.35 Ўқувчилар учун. **«Китоб бизнинг дўстимиз».**
20.00 **Янгиликлар.**
20.10 «Рак проблемаси». Ҳужжатли фильм.
Рус тилида:
20.30 «Виставкадаги расмлар». Концерт.
21.00 **«Олий пилотаж усталари».** Ҳужжатли фильм.
21.30 **Янгиликлар**
21.40 **«Кўча ҳаракати қоидаларига риоя қилинг».** Суҳбат.
21.50 «УМИДСИЗ». Бадиий фильм.

Кино театрларда

16 ОКТЯБРДА

Фараон (1 ва 2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА», «ВОСТОК», НАВОИЙ номли, «СПУТНИК» (кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 9 да).

Айбдор келмади — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Тош меҳмон — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 да). «МОСКВА» (кечқурун).

Бальзаминовнинг ўйланиши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 9-45 минутда).

17 ОКТЯБРДА

Фараон — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «СПУТНИК», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 9 да).

Тош меҳмон — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 4 ва кеч 8 да).

Бальзаминовнинг ўйланиши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 9-45 минутда).

Айбдор келмади — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 17/X да **Фауст**, 18/X да **Трубадур.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/X да **Сўнгги қурбон**, 18/X да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/X да **Қари қиз**, 18/X да **Гули снёх.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Анна Русских** раҳбарлигида **ЛИЛИПУТ** цирк артистларининг юбилей программаси. 18 ва 19 октябрь дам олиш куни.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»

электрдан фойдаланганлик учун счёт ёзиш ўзларига топширилган кишиларга таклиф қиладики

ЭЛЕКТР УЧУН

ҳар ойнинг 1 кунидан 11 кунигача счёт ёзиб тегишли пулни Давлат банкининг кирим омонат кассаларига тўласинлар.

Утган вақт учун

ҚАРЗЛАРИ БЎЛГАН

абонентлар уни дарҳол тўлашлари лозим.

Счётлар ўз вақтида тўланмаса электр огоҳ қилинмасдан узиб қўйилади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, безакли

„ГУЛИСТОН“

ЖУРНАЛИГА

1 сентябрдан

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА НАРХИ:

Бир йилга 3 сўм 60 тийин.
Олти ойга 1 сўм 80 тийин.
Бир сони 30 тийин.

Обуна ҳамма алоқа бўлимлари, барча жамоатчи вакиллар орқали қабул қилинади. **«Гулистон»га** обуна чекланмаган, аммо унга ҳозирдан ёзилиб қўймаган кишилар армонда қолади.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ БЎЛИМИ

Қозоғистон, Ўзбекистон ва Тошкент шаҳрининг корхона ва қурилишларига

ИШЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Меҳнат шартномасини тузган гражданлар иш жойига боргунча кетган харажат қайтариб бермаслик шарти билан маблағ, турар жой ва ётоқ анжомлари билан таъминланадилар.

Ҳунари бўлмаган ишчилар иш жойида танланган касбларига ўқитилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Привокзальная кўчаси, 13-уй

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «УЗТРАНССПЕЦСТРОЙ» ихтисослашган трестининг Тошкентдаги Эркин посёлкаси ва Сергели районидаги «Промбур» 11_қурилиш бошқармасида

ИШЛАШ УЧУН

5-6 разрядга эга бўлган малакали электр пайвандчилар, экскаваторларни, компрессор, автокранлар матокли йўл қуриш машиналари ва бошқа ер қазиш машиналарини ремонт қиладиган 5-6 разрядли слесарлар

КЕРАК

«УЗТРАНССПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИГА

трестнинг ишлаб чиқариш бўлими ва смета_шартнома бўлимларида ишлаш учун старший инженерлар; трестга машинистка лар, курьер, иш юритиш бўлими мудири; трестнинг моддий_техника таъминот бўлимига ҳисоб-китобларга якун ясайдиган старший бухгалтерлар

КЕРАК

Ишга фақат Тошкент шаҳрида турувчилар қабул қилинади.

Ишчилар ишга бошқарма автобусида қатнайдилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Промбурвод» 11_қурилиш бошқармаси (шаҳардан қатнайдиган 30-автобуснинг Эркин посёлкаси бекати) ёки Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 10-уй, «Узтрансспецстрой»нинг кадрлар бўлими.

Главстройиндустриянинг ТОШКЕНТ 1_РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

иқтисодчи инженерлар — нормаловчилар, токарлар, фрезерчилар, ҳамма мутахассислар слесарлар, газ билан қирқувчилар, формовщиклар, электрпайвандчилари, таъминот бўлими ва транспорт цехи юкчилари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Володарский кўчаси, 2-уй, кадрлар бўлими. Телефон Е_60-96_3, қўшимча 5_26.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг

„ПАРТИЯ ТУРМУШИ“

журналига

1968 йил учун

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Журнал республика партия ташкилотларининг ҳаётини ёритади, хўжаликда партия раҳбарлиги тажрибаси ҳақида, партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти тўғрисида материаллар босиб чиқаради.

Журнал саҳифаларида партия ишининг услуби ва методларини такомиллаштириш масалаларига катта ўрин берилади, цех ва бригада партия ташкилотларининг, партия группаларининг тажрибаси ҳақида материаллар мунтазам бериб борилади. Журналда идеология иши масалаларига, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга бағишланган мақола ва хабарлар босилиб туради.

Журнал шунингдек совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишига оид масалаларни бу ташкилотларга партия раҳбарлиги тажрибасини ёритади.

Журнал ўзбек ва рус тилларида ойда бир марта чиқади.

Журналга обуна «Союзпечать» бўлимлари, барча алоқа узеллари ва бўлимлари томонидан қабул қилинади.

Обуна баҳоси: бир йилга — 1 сўм 80 тийин, 6 ойга 90 тийин, 3 ойга 45 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИРЛАШГАН НАШРИЁТИ

ЧИҚАРАДИГАН ГАЗЕТАЛАРГА

1968 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хотин-қизларнинг ойда бир чиқадиган ижтимоий — сиёсий, адабий-бадиий

„САОДАТ“

ЖУРНАЛИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна баҳоси:

Бир йилга 2 сўм 40 тийин.
Олти ойга 1 сўм 20 тийин,
Бир сони 20 тийин.

Обуна чекланмаган — ҳамма алоқа бўлимлари, барча жамоатчи вакиллар орқали қабул қилинади.

«САОДАТ» журналига обуна бўлишни унутманг!

Ҳурматли газетхонлар!

ГАЗЕТАСИГА *1968 ЙИЛ УЧУН* ОБУНА БОШЛАНДИ

«СОЮЗПЕЧАТЬ» КОНТОРАЛАРИ ВА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА БУ ГАЗЕТАГА ОБУНА ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

ОБУНА БАҲОСИ БИР ЙИЛГА 6 СУМ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — Орган Ташкентского Горкома КП Узбекистона и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 83-02-49 дан 83-02-58 гача, редактор ўринбосарлари — 83-29-33, 83-29-09; масъул секретарлар — 83_27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — 83-29_42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 83-27-03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — 83-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — 83-29_70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 83-27-57; ахборот бўлими — 83-65-57; эълонлар бўлими — 83-81_42.

16 ОКТЯБРЬ, 1967 ИИЛ. Р. 01316. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 3035.